

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

АБДУЖАББАРОВ АСРОР АХАДОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н. Қуллиев И.

ТОШКЕНТ - 2011

**Диссертация иши Тошкент молия институти “Банк иши”
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар:

и.ф.н. И.Я.Қуллиев

Расмий оппонент:

проф. Т.М.Қоралиев

Кафедра мудири:

и.ф.н., доц. С.Х.Норқобилов

**Магистратура бўлими
директори**

и.ф.н., доц. Х.Ахмедов

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....3-7

**I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ
ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ.....8-32**

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг мамлакат
иқтисодиётида тутган ўрни.8-20

1.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик
фаолиятини микромолиялашнинг ҳуқуқий асослари.....21-32

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ
ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
КРЕДИТЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....33-55**

2.1. Тижорат банклари томонидан кичик корхона ва тадбиркорлик
субъектларини микрокредитлашнинг амалдаги ҳолати таҳлили.....33-46

2.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ташқи
манбалар ҳисобидан кредитлаш амалиёти.....47-55

**III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ56-59**

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.70-73

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....74-80

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўлга қўйилиши маҳаллий хом-ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни янада такомиллаштириш, ички бозорни истеъмол товарлари ва чакана хизматлар билан тўлдириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ривожланган ва ривожланиб бораётган кўпгина давлатларда иқтисодиётнинг юксалишига, асосан, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали эришилган.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида бандлигини эътиборга олиб, деҳқон ва фермер хўжаликларини қишлоқдаги хусусий тадбиркорларни, қайта ишлаш кичик корхоналарини янада ривожлантириш, уларга техника, технология ва ускуналар сотиб олиш учун миллий валюта сўмда ҳамда чет эл валютаси ҳисобида узок муддатли кредитлар ажратишни кенгайтириш керак. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларига талаб кучайиб бораётган бир даврда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳажмларининг ўсиши ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2009 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 2 трлн. 700 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан 485,2 млрд. сўми кичик бизнес

субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсди¹.

Республикамиз Президенти томонидан «Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг банклар, бошқа бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан кундалик алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш лозим»лиги алоҳида таъкидланиб, банк ва молия муассасаларининг бу соҳага йўналтирилган фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлиги эътироф этилди. Ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайиб, республика иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида унинг ЯИМ даги улуши 2010 йилда 52,5 фоизга етди².

2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига кредитлар ажратиш ҳажмини 2011 йилда, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлашни кенгайтиришга узоқ муддатли кредитлар бериш ҳисобига, 2010 йилга нисбатан 1,4 баробар ошириш чораларини кўриш лозим.

Тижорат банкларининг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этиш, филиаллар ва мини-банкларида ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали тадбиркорлар учун таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб бориш ва хорижий кредит линияларидан маблағлар жалб қилишни кенгайтириш орқали 2011 йил давомида кичик

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б. 19.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари.

бизнесга халқаро молиявий институтларининг жами 112 млн. АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари жалб этиш юзасидан зарурий чораларни кўриш вазифаларининг белгилаб берилиши ҳам мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш масаласи, биринчи навбатда, бу соҳани ривожлантиришга банкларнинг ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари орқали йўналтирилаётган маблағлар ҳажмини кўпайтириш лозимлигини, кредит бериш усуллариининг баъзи жиҳатларини такомиллаштириш ва соддалаштириш кераклигини зарурат қилиб қўймоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш Ўзбекистонлик бир қатор маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, ушбу масалани иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Т.Бобакулов, Т.Қоралиев, З.Холмахмадов, С.Норқобилов, Ғ.Яхшибоев, Ф.Додиев, каби олимлар илмий тадқиқотларида ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади бўлиб, Ўзбекистонда кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини кредитлашни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Кичик бизнес субъектлари ва уларнинг миллий иқтисодиётдаги тутган аҳамиятини ўрганиш;
- Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни микромолиялашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон банк амалиётида кичик корхоналарни кредитлаш тартибини таҳлил этиш ва мавжуд муаммоларни баҳолаш;
- Ўзбекистон Республикаси кичик корхоналарни кредитлашнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш ва унинг ўзгаришига хос тенденцияларини баҳолаш;

- Ўзбекистонда кичик корхоналарни кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг **объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **предмети** бўлиб, республикамиз тижорат банкларининг кичик корхоналар, кичик бизнес субъектларини микромолиялаш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг илмий амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишинда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- * Кредитга лаёқатлилиқни аниқлашда ахборотнинг бошқа манбалари, яъни бошқа молиявий институтлардан олинган маълумотлар, мижознинг мол етказиб берувчиларидан олинган маълумотларидан кенг тарзда фойдаланиш;

- * микрокредит ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини жорий қилиш лозим. Бунинг учун нотижорат микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги мақомини аниқлаб олиш лозим;

- * Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш мақсадида алоҳида ажратилаётган захиралардан ташқари банкнинг кредит rischi доирасида умумий захира ташкил қилиш ва кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларни камида “стандарт” сифатида таснифлаш;

- * Республикамиз тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошиб кетмаган ставкада берилган

микрокредитлар ва микролизингдан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш лозим.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Магистрлик диссертациясининг назарий ва методологик асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва банклар фаолиятига оид қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг банк тизимини ислоҳ қилишга оид Фармонлари, илмий рисоалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини микромолиялаштиришга оид илмий изланишлари хизмат қилади.

Шунингдек диссертацияни ёзишда республикамизнинг бир қатор тижорат банкларининг йиллик ва жорий ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Мазкур диссертация иши юқоридаги каби бир қатор муаммоларни ўрганиш ва уни бартараф қилишга бағишланган. Диссертация ишини таркиби кириш учта асосий боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ.

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизими субъектлари “Банклар – тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!” шиори остида фаолият кўрсатгани ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштириш ва янада соддалаштириш. Бунда, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йилда оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капиталга кредит ажратиш билан асосан Микрокредитбанк шуғулланган бўлса, 2011 йилда барча тижорат банклари томонидан ушбу йўналишга микрокредитлар ажратишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур Дастурга асосан, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиётини кенг жорий қилинмоқда.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш ҳамда қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни камайтириш мақсадида, кам миқдордаги кредитлар учун таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг кафиллигини қабул қилиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

Ушбу амалиёт ўзининг ижобий самарасини бериб, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бир каторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинмоқда.

Юқорида қайд этилганлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятининг янада кенгайишига туртки бўлиши шубҳасиздир.

Мустақилигимизнинг дастлабки йилларидан давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мунтазам равишда қўллаб-қувватланиши, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, берилган имтиёзлар натижасида мазкур соҳа мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида, аҳоли бандлигини таъминлашда ўзининг ижобий ҳиссасини қўшмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга бўлиб,

жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланиб ва тобора мустаҳкамланиб боришига эришилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади. “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга асосан тадбиркорлик - фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкӣ жавобгарлиги асосида амалга оширилади. Шундай қилиб, тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ишини(бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. Унинг томонидан бунёд этилган фирма(корхона) давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади.

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни қамраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчилларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчилари хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотиқ каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда бизнес-бу кишининг бозор муносабатлари тизимидаги ишчанлик фаоллигидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Расмий хабарларга, низом ҳужжатларига ва солиқ инспекциясига бериладиган маълумотларга қараганда тадбиркорлик тизимининг ярмига яқини саноат ва савдо тармоқларида фаолият кўрсатади. 20 фоизи қурилиш тармоғида ишлайди. Қолган барча фаолият турларига (қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, таълим, илм-фан, тиббиёт, молия тармоқлари, воситачилик) 30 фоизи тўғри келади.

Бозор иқтисодиёти амал қилаётган барча давлатларда кичик корхоналар йириклигини ажратишда қуйидаги мезонлар ишлатилади.

1. Миқдорий кўрсаткичларга ходимлар сони, сотиладиган маҳсулот ҳажми, асосий капиталнинг баланс қиймати каби кўрсаткичлар киради.

2. Сифат кўрсаткичларига нисбатан камроқ ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, чекланган миқдордаги ресурслар ва ишлаб чиқариш қуввати каби кўрсаткичлар олинади.

3. Аралаш кўрсаткичларга биринчи ва иккинчи гуруҳ кўрсаткичлари киради.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- кредит буюртманомаси;
- қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) прогнози кўрсатилган бизнес-режа;
- Давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи тасдиқлаган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси ва дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома, шунингдек, 90 кундан зиёд қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (бундан деҳқон хўжаликлари мустасно);
- кредит қайтаримлилигини таъминлаш шаклларидан бири.

Тижорат банклари сўндирмаслик хатарига йўл қўймаслик мақсадида қарз олувчи таъминотга эга бўлиши керак, унинг амалга оширилувчанлиги бунинг асосий талаби ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари банкка таъминотнинг қуйидаги турларидан бирини тақдим этишга ҳақлидир:

- мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахслар кафиллиги;


- қарз олувчининг кредитни сўндирмаслик хатарини суғурталаши тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси.

Ўзларининг фаолияти мақсади бўйича кичик корхоналар катталаридан фарқ қилмайдилар. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, унча катта бўлмаган корхоналар жамиятда муҳим ижтимоий-иқтисодий рол ўйнамасалар ҳам, улар бозор шароитида чидамли эмаслар. Шунинг учун кичик бизнес субъектлари давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтождирлар. Ушбу ҳолни ҳисобга олиб, барча давлатлар кичик корхоналарни катталаридан ажратиш учун маълум кўрсаткичларидан фойдаланадилар ва уларни қонуний ҳужжатлар воситасида банкрот бўлишдан ҳимоя қиладилар.

1-диаграмма

**Кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги
улушининг ўзгариши¹,**

(фоизда, 31 декабр ҳолатига)



¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йил якуни бўйича бу кўрсаткич қарийб 52,5 фоизга етди. 2011 йилда ялпи ички маҳсулотдаги ушбу кўрсаткичнинг улушини 54 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилиб, улар пировардида аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган рақобатли иқтисодиётга ўтиш шароитида хўжалик бирликлари доирасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш турли хил шакл ва усулларда амалга оширилади. Уларнинг ичида кичик бизнес ва тадбиркорлик алоҳида ўрин тутди ва бу фаолият туфайли мулкчиликнинг турли шакллари рўёбга чиқади, ҳамда улар ўз эгаларига даромад келтиради.

Қадимдан аҳоли ҳунармандчилик билан шугулланиб келган. Шунинг учун тадбиркорлик миллат менталитетининг бир қисмига айланиб қолган ва уни ривожлантириш даркордир. Узининг «кичик бизнес» деган номига қарамасдан ушбу ишлаб чиқариш ва фаолият тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодида муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг қуйидаги афзалликлари алоҳида ажралиб туради:

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар. Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва харажатлари билан амалга оширишидадир.

- ишловчиларнинг камсонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг энгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради.

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди.

- кичик бизнес хўжалик юритишни энг қулай шакли. У оила меҳнатига ёки бир нечта ҳамфикрлар меҳнатига асосланган бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамиятини белгиловчи асосий омил бу давлатнинг муайян бир соҳага нисбатан самарали сиёсат олиб боришидир. Давлат зарур ҳуқуқий базани яратиш орқали кичик бизнеснинг ривожланишига кўмаклашиши мумкин. Чунки тадбиркорлик қанчалик ҳуқуқий томондан ҳимоя қилинса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик тараққий этади.

1-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши¹

Кўрсаткичлар	2000 йил	2004 йил	2007 йил	2010 йил
Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони, (мингта ҳисобида)	2800	3800	4700	5000
Экспорт, (фоиз ҳисобида)	10,2	7,3	14,8	13,6
Импорт, (фоиз ҳисобида)	27,4	32,7	33,3	36,6

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2000 йилда Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 2,8 млн. тани ташкил этган бўлса 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5 млн.тани ташкил этди. Шу билан бирга мамлакат экспорти ва импортида кичик бизнес субъектларининг улуши 10.2 фоиздан 13,6 фоизга ошгани ҳам ижобий баҳоланади. Импорт ҳажмида кичик

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

бизнес субъектларининг улуши ҳам ўсиб борган ва 2011 йил бошида 36,6 фоиз ташкил этган.

2010 йилда экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва жаҳон бозорида республикамизнинг асосий экспорт маҳсулотларига талабнинг ошиши ҳамда улар нархларининг кўтарилиши натижасида экспорт ҳажми 2009 йилга нисбатан 10,8 фоизга ошиб, 13 044,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Шу жумладан, машина ва ускуналар экспорти 2,1 баробарга, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 77,1 фоизга, қора ва рангли металллар экспорти 52,7 фоизга ошди.

2010 йилда импорт ҳажми 8 797,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти 56,5 фоизни, кимё маҳсулотлари импорти 11,1 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти 9,0 фоизни, қора ва рангли металллар импорти 6,3 фоизни ҳамда хизматлар импорти 4,4 фоизни ташкил қилди.

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари таркибининг тармоқлар бўйича ўзгариши¹, %да

Тармолар	2000 йил	2004 йил	2007 йил	2010 йил
Саноат	13,6	9,2	5,9	5,9
Қишлоқ хўжалиги	49,8	66	74,6	73,9
Транспорт ва алоқа	2	1	1,3	1,5
Қурилиш	8,8	4,9	4,1	4,3
Савдо ва умумий овқатланиш	25,8	18,9	14,1	14,4
Жами	100	100	100	100

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, кичик бизнес субъектларининг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигида юқори улушга эга экан. 2000 йилга нисбатан 2010 йилда кескин ўсиш кузатилган. Бу эса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.


саноат, қурилиш ва бошқа тармоқлардаги улушининг қисқариши ҳисобга юз берган. Аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижроси таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳажмларининг ўсиши ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

2-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес соҳасида банд бўлган аҳолининг улуши¹,

фоизда



2-диаграммада Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес соҳасида банд бўлган аҳолининг улуши динамикаси берилган. Кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар 2000 йилда 53 фоизни ташкил этгани ҳолда 2010 йилда 74,3 фоизни ташкил этди. Бу эса, аҳоли бандлигини ошириш бўйича Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлашга хизмат қилмоқда. 2010 йилда жами республика

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди. 2011 йил.

бўйича 953,7 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 576,5 мингта қўшимча иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг бу тури ҳаётнинг илмий ва техникавий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади, у умуммиллий маҳсулотнинг кўп қисмини ишлаб чиқаради, қўшимча иш ўринларини ташкил қилишда иштирок этади. Кичик бизнеснинг ривожланиши натижасида кўплаб тадбиркорлар ва мулк эгалари шаклланади, улар иқтисодий ислохотларни жадалроқ ўтказиш учун ижтимоий база ва асос яратадилар, ҳамда жамиятда барқарорликни қарор топишига кўмак беради. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, узоқ давом этадиган иқтисодий инқироз муҳитида кичик корхоналар йирик корхоналарга нисбатан камроқ жабрланади, хаттоки бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлайди, бу ҳол эса уларни иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилига айлантиради.

Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир. 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизгача пасайтирилди, яқка тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини ҳисобга олиб, ҳукуматимиз томонидан айнан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Тадбиркорлик иқтисодиёт келажаги”, номли бундан бир неча йил олдин сўзлаган маърузаларида: “Биринчи ва асосий масала – мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказишдан иборат. Ислохотларнинг асосий маъноси ва керак бўлса, негизи бу – мулкни ҳақиқий эгасига топшириш ва тадбиркорликка кенг имкониятлар

очиб беришдир”,-деб фикр билдирган эдилар. Айнан мана шу масала ҳукуматимизнинг ҳозирги кунгача диққат марказида бўлиб келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилнинг 4-февралидаги ПҚ-1474 сонли “Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан мамлакат иқтисодиётини ривождаги актив ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлаётган ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш омили сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликни келажакда янада ривожлантириш учун максимал даражада шарт-шароитлар яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

“Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури бутун республикада ва унинг ҳудудларида максимал даражада бизнес-муҳит яратиш, ҳусусий секторнинг ривожланишига кенг йўл очувчи эркинликларни бериш, тадбиркорликка кенг имкониятлар ва кафолатлар бериш, ҳусусий секторни давлат томонидан бошқариш функцияларини камайтиришни таъминловчи қонунчиликни такомиллаштириш кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг бозор воситалари ва механизмларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаришни кўзда тутди.

Шунингдек, дастурда тадбиркорлик субъектларининг молиявий – хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини кенг миқёсда камайтириш, янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг ташкил этилиши ва рўйхатга олиниши, ер участкалари ва бинолар билан таъминлаш, уларнинг қурилиш ишларини ташкил этиш, инженер-коммуникация тизимларига уланиш каби масалаларини ҳал қилиш жараёнларини соддалаштириш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш молиявий, солиқ ва статистик ҳисоботлар

тизимини унификациялаштириш ва ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда уни молиявий қўллаб-қуватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса банк кредити корхона фаолиятини ташкил этишда ва ривожлантиришда асосий ресурс сифатида намоён бўлади. Давлат дастурида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратиладиган кредитларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда бошланғич сармояни шакллантиришга, инвестицион мақсадларга, ишлаб чиқаришни техник жихатдан янгилаш ва модернизациялашга кредитлар ажратилиши лозимлиги, шу мақсадда чет эл инвестицияларини жалб қилиш, халқаро молия-кредит институтлари маблағларини жалб қилиш вазифалари белгилаб берилган. Жумладан, деҳқон ва уй хўжалигига қорамол сотиб олиш учун микрокредитбанк ва бошқа тижорат банклари томонидан 40.1 млрд. сўмлик кредитлар, мини технологиялар, трактор ва жихозлар сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан 20.0 млрд. сўмлик, кредит ва лизинг, қишлоқ жойларда, хусусан, иш билан бандлик муаммолари юқори бўлган ҳудудларда оилавий бизнес, касаначилик, хунармандчиликни ривожлантириш учун 2011 йил давомида 816.0 млн. сўмлик кредит ажратиш мўлжалланган.

Республикаимиз Президенти И.А.Қаримов таъкидлаганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади”.¹

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекталрини куллаб- қувватлаш ҳамда уларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, доимий равишда рағбатлантириш ва иқтисодий

¹ Қаримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. \ Туркистон. 2008 йил, 9-феврал. №11. 2- бет

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида , уларга турли хил солиқлардан озод қилиш ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда банк кредитларидан фойдаланиш имкониятлари берилган. Аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш йўлларида ҳали муаммолар мавжуд.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни кредитлашнинг ўзига хос томонлари бор. Кредитлашнинг ўзига хос хусусиятларидан жаҳонда қабул қилинган анъанавий молиялаш манбаларидан ташқари Ўзбекистон Республикасида махсус кредитлаш манбаларининг мавжудлигидадир.

Республикада хусусийлаштирилган корхоналарни кредитлашнинг биринчи хусусияти шундаки, маблағлар давлат тасаруфидан чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади ва Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб варағида жамғарилади.

Фоиз ставкасини миқдорини ўзгариши ҳар чоракда юз беради, аммо у ҳар доим республика ўртача банк фоиз ставкасидан паст бўлади. Бундан кўринадики, мулкчилик шаклини нодавлат мулкчилик шаклига ўзгартирилган корхона янги шаклда фаолият кўрсатишнинг биринчи куниданоқ ўз бизнес дастурларини амалга ошириш учун давлат корхоналаридагига нисбатан фойдалироқ шартларда олиш имкониятига эга бўлади.

1.2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини микромолиялашнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ривожлантириб бориш, унинг сир-асрорларини пухта ўрганиш ҳамда амалда уни тадбиқ этиш асосий вазифаларимиздан биридир. Хусусан бозор муносабатига ўтишни тезлаштирувчи энг асосий йўллардан бири бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга, уни давлат томонидан қўллаб - қувватланиши, хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш, уни рағбатлантиришга бағишланган бир қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги қарори билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур дастурда соҳа вакилларига бир қатор янги имтиёз ва енгилликлар бериш кўзда тутилган. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ҳамда хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, рўйхатдан ўтказиш тартиб қоидаларини соддалаштириш солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар шулар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли Қарорига мувофиқ, 2011 йил 1 январдан микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши ягона солиқ тўловини тўловчилар кўпайиши, бунда давлат бюджетига ҳам қўшимча маблағ тушишидан далолатдир. Ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми ҳам ошиб боради, маҳсулотларнинг тури кўпаяди ва

маҳсулотларнинг таннархи камайиб аҳолининг истеъмол даражаси ошиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва кучли ҳимоя тизимини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди.

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тута билишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётининг ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлик даражаси ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди ҳамда кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли кундан кунга ошиб, уларга кўрсатилаётган хизматлар такомиллашмоқда. Ўзбекистон банк ва нобанк муассасаларида гуруҳли кредитлашни жорий қилиш кичик тадбиркорларга микрокредитлар ва микрозаёмларни ажратишнинг мавжуд амалиётини такомиллаштириш учун имкон беради. Бугунги кунда асосий тенденциялардан бири тижорат банклари томонидан халқаро молия ташкилотларининг кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш, шунингдек микромолиялаштиришни ривожлантиришга қаратилган, узоқ муддатли кредит линияларини фаол жалб қилиш ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, тадбиркорлик анъаналари қайта тиклана бошлади. Кичик бизнес фаолиятини

ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов кичик бизнес субъектлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиб, шундай деган эди: “Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб- қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди”¹.

Дарҳақиқат, кичик бизнес корхоналари ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пировардида кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга муҳим замин яратади.

Бугунги кунда кичик бизнес сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, тижорат банклари томонидан халқаро молия ташкилотларининг кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлашга йўналтирилган узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мулкчиликни ислоҳ қилиш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама кенгайтириш, кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтиш жараёнида кичик бизнес тараққиёти давлат учун унинг истиқболини белгилаб берувчи муҳим бўғинга айланади. Чунки айнан катта маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларнинг ўсиш тезлигини кафолатловчи кичик бизнес корхоналари иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-ҳаражатсиз

¹ Каримов И.А.2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳм устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.”Халқ сўзи” газетаси 2010йил 30 январ, 21-сон.

ечишга, ички бозорни, молиявий ресурслар чегараланган бўлишига қарамай, истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирдир.

Ҳозирги кунда кичик бизнес олдида турган энг асосий муаммолардан бири молиявий ресурслар муаммосидир. Бу вазифани бажариш, яъни кичик бизнесни молиявий маблағлар билан таъминлаш, уларга имтиёзли фоиз ва муддатларда кредит маблағларини ажратиш тижорат банклар зиммасига юклатилган. Кичик бизнесни ривожлантиришга кўмак берувчи зарурий инфратузилма таркибидаги тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, уларда тадбиркорликка кўмак берувчи ёрдамчи молиявий хизмат турларини тадбиқ қилиш, кредитлашнинг содда ва қулай усулини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ислохотлар натижаси ўлароқ, республикамизда кичик бизнесни ривожланиши учун бир қатор қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Бу борада республикамиз банклари олдида ҳам бир канча вазифалар юклатилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари катта аҳамият касб этади.

Ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч унинг тармоқларидир. Демак, ҳар қандай катта иқтисодиётни тараккиётга йуналтириш ҳам биринчи навбатда унинг тармоқларидан бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунида кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари учун, уларнинг ташкилий ҳуқукий тузилмаларидан қатъий назар, умумий бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти самародорлигини ошириш ва уни кенг тарғиб қилиш ва ёйиш мақсадида давлат ахборот, маслаҳат, илмий-тадқиқот марказлари, инновацион фондлар ва бошқа ташкилотлар тузиб, иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ривожланишига ёрдам беради.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ва миллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳам кичик бизнеснинг ҳуқуқий асослари яратилган. Яратилган қонунларнинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар, ҳамда шароитлар яратишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳаётдаги роли тобора ошиб бориши натижасида кичик бизнесни ҳуқуқий тартибга солиш зарурати туғилди. Ана шу эҳтиёж «Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишига олиб келди ва у 1995 йил 21 декабрда қабул қилинди. Аммо Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 майда қабул қилинган қонуни билан у ўз кучини йўқотди. Ушбу қонуннинг вазифаси фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида қатнашишлари учун ва эркин фаолият олиб боришлари учун шароит яратишдир. Ушбу қонунга мувофиқ фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик обороти ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик бизнес жумласига киритилади.

Кичик бизнес бозор иқтисодёти шароитида иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган барча қонунларда давлатнинг кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир мажбуриятлари акс эттирилади. Шу мақсадларда махсус ишлаб чиқилган ва

кабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир тадбирлар тўғрисида»ги, 1995 йил 5 январдаги хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир «Хусусий тадбиркорликда ташаббускорлик ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги «Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга доир тадбирлар тўғрисида», 1995 йил 26 июлдаги «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес (Бизнес фонд) нинг қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорларини киритиш мумкин. Уларда тадбиркорлик ҳуқуқларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мафаатларини кафолатлаш, молиявий, солиқ имтиёзлари ва устунликлари кўзда тутилган. Хусусан, давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларга эришиш учун кенг имкониятларни таъминлайди. Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устун йўналишлари қишлоқ жойларда кичик бизнес субъектларини, шунингдек рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатадиган кичик корхоналарни тузишга кўмаклашиш ҳисобланади.

Жамият фаолиятининг ўта муҳим жиҳати - бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади, маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини моддий ва меҳнат омиллари таъминлайди. Ишлаб чиқаришнинг бу омиллар билан бир текисда таъминланиши муаммодир. Бу муаммо ўз ечимини кредит орқали топади.

Республикаимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда кичик бизнесни ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда. Бу борада тижорат банклар

томонидан берилаётган микрокредитлар ўз самарасини кўрсатаёпти. Бугунги кунга келиб, банк тизимидаги муносабатларни тартибга солишда, тижорат банкларида кредит сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун кредит ва микрокредитлар ажратишда кўпроқ мустақиллик беришга ҳамда хорижий банklar билан ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва вазирлар маҳкамаси қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси 2006 йил 15 сентябрь ЎРҚ-50-сонли “Микромолиялаш тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, унинг асосий мақсади микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун уларнинг молиявий маблағлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу қонунга мувофиқ “Микромолиялаш” бу микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

2006 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги ҳамда “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари республикамізда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган навбатдаги ишларни амалга оширишга қўйилган қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йилнинг 21 июнида қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ «Микрокредит қарз олувчига

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир». Мазкур Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ «Микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир».

Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ «Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади».

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга кредитлар - микрокредит шаклларида бири, микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга) учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда бўлади;

Оилавий тадбиркорлик учун кредит. Бандлик жамғармаси кредитлари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 150-бараваригача миқдорида ажратилади.

Бундан ташқари Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади.

Тижорат банклари қарз олувчиларга микрокредитларни шартномавий асосда 3 йилгача муддатга беришни амалга оширади.

Микрокредитларнинг 50% игача бўлган миқдори 1,5 йилга (18 ойга) кадар бўлган муддатда сўндириш шарти билан нақд пул кўринишида берилиши мумкин.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган, «Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ Имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар бериш муддатлари кредит берилаётган тадбирнинг ўзини қоплашига боғлиқ бўлади, чунончи:

- хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига, қоидага кўра, 1 йил муддатгача берилади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига, қоидага кўра, камида 2 йил муддатга берилади;

- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар кичик тадбиркорлик барча субъектларига, шу жумладан юридик шахс бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган кредитларни қайтаришнинг энг узоқ муддати, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда, 30 ойдан ошиши мумкин эмас, форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган айланма маблағлари учун

берилган бошқа кредитлар бўйича улардан фойдаланиш муддати, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда, 12 ой этиб белгиланади.

Микрокредитлардан фойдаланиш учун фоиз ставкасининг миқдори қарз олувчи билан банк ўртасида кредит шартномасига асосланган ўзаро келишув бўйича белгиланади.

Юқоридаги фоиз ставкалари тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича белгиланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси кредитланадиган инвестиция лойиҳаларининг йўналишларига боғлиқ ҳолда қуйидаги ҳажмларда белгиланади:

дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга - Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми;

деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, кишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш, фермерлик иншоотлари қурилишига - Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми;

бевосита ишлаб чиқариш соҳаси, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун, жумладан, аҳолига маиший, тиббий, сайёҳлик-экскурсия ва меҳмонхона хизмати кўрсатиш, автомобиллар ва бошқа техника таъмири бўйича хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдоригача.

Тижорат банкларнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган микрокредитлар бўйича фоиз

ставкалари Марказий банкнинг микрокредит берилиши кунда қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий ва мақсадли дастурларига киритилган юридик шахсларга Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасини 1/4 қисмини ташкил қилган банк маржаси ҳисобга олинган имтиёзли фоиз ставкаси бўйича амалга оширилади.

“Микромолиялаш” тўғрисидаги қонунга кўра, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлардир. Микромолиялаш асосан микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш борасидаги фаолиятидир. Ушбу микромолиялашнинг асосий хусусияти шундаки, қарз олувчи бу хизматлардан белгиланган номаларда олади ва фойдаланади. Масалан, микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада, микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада, микролизинг эса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Марказий банк томонидан қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ҳақиқатдан ҳам тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини

кредитлашда янгича ёндашувни акс эттирмакда. Бу ҳаракатлар ушбу соҳани ривожлантиришда, янги поғонага кўтаришда ҳуқуқий замин бўлади.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди ва шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилинди. Маълумки, Давлат дастурида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг ушбу соҳани молиявий қўллаб қувватлашдаги ролини янада кучайтириш борасида банк тизими зиммасига катор устивор вазифалар юклатилган.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга соҳа субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуннинг янги таҳрири остидаги лойиҳаси, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат берувчи тартиб тамойиллар тўғрисида”ги каби қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мазкур қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида ўз бозорини ва мижозларини топа олишига, микромолиявий хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар молия бозорида соғлом рақобатни вужудга келтиришига, халқимизнинг микромолиявий хизматларга талабини қондира олишига, бу эса, мамлакатимиз фуқароларининг иш билан таъминланиши ва фаровонлигини ошишига муҳим ҳуқуқий асос яратади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.

2.1. Тижорат банклари томонидан кичик корхона ва тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг амалдаги ҳолати таҳлили.

Юртбошимиз раҳномалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш устивор вазифалардан бири этиб белгиланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги кунга келиб аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари иккита компонентга бўлинади:

- банкларнинг ўз ресурслари ҳисобидан микрокредитлар бериш;
- бюджетдан ташқари фондлар ва халқаро институтларнинг кредит линияларига хизмат кўрсатиш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда микромолиявий хизматларни таклиф этишни диверсификациялаш давом эттирилмоқда. Бу хизматлар орасида қуйидагилар мавжуддир.

Микрокредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин эмас:

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни тўлаш;
- тамаки етиштириш ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачилик корхоналарининг айланма маблағларини ташкил этиш учун;
- савдо объектлари қурилишини, аҳолига ўйин хизматлари кўрсатишни ва улар учун ускуналар сотиб олишни молиялаш, қимор ўйинларини ташкил этиш учун;

- ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулкни сотиб олиш учун;

- маъмурий харажатларни тўлаш, шу жумладан, хизмат автомобилларини сақлаб туриш учун;

- офис мебелани харид қилиш, уяли телефонлар, пейжерлар сотиб олиш учун ва алоқа хизмати учун тўловни амалга ошириш.

Кредитларнинг муддатлари 1 йилдан (айланма маблағларни тўлдириш учун) 5 йилгача (банкнинг Имтиёзли кредитлаш фондидан молияланидиган инвестиция лойиҳаларига) бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш учун бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкалари белгиланади: агар маблағлар банк фойдасидан 25%ли ажратмалар ҳисобига ташкил этиладиган Имтиёзли кредитлаш фондидан берилаётган бўлса, фоиз ставкаси амалдаги қайта молиялаш ставкасининг кўпи билан 50%и миқдорида белгиланади. Шу билан бирга банкларга кичик бизнесни кредитлашдан олинган даромадлар ва микрокредит портфелини кўпайтиришга йўналтирадиган маблағлар бўйича солиқ имтиёзлари берилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- мини-ускуналар сотиб олиш;

- ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, етилган ва ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омихта емлар, ветеринария препаратлари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, минерал ўғитлар сотиб олиш;

- хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;

- меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитуралар сотиб олиш;

- бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш;

- ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш;

- сервис хизматларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;

- соғлиқни сақлашни ривожлантириш;

- туризм индустриясини ривожлантириш;

- кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилмаган хизматлар (ишлар) соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнесни ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, аҳоли кенг катламларининг, шу жумладан кишлоқ жойларда, молиявий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Фойдаланиш йўналишларига кўра микрокредитлар:

1. бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун;

2. бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдиришга берилади.

Бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун микрокредит йилига 5 фоиз ставка бўйича 18 ой муддатгача:

- энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда - юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;

- энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган);

- энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда – фермер хўжаликлари учун берилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бошлангич (старт) сармояни шакллантириш учун улар кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида буюртма такдим этилганда берилади.

Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига (микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳкон ва фермер хўжаликларига) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича, 24 ой муддатгача, энг кам ойлик иш хакининг 500 бараваригача миқдорда берилади.

Имтиёзли микролизинг бўйича хизматлар кичик бизнес субъектларига 3 йилгача муддатгача, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам ойлик иш хакининг 2000 бараваригача миқдорда кўрсатилади.

Қарз олувчилар микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни такдим этадилар:

- микрокредит олиш учун буюртманома;
- бизнес-режа, пул оқимлари прогнозини албатта кўрсатган ҳолда;
- микрокредитнинг қайтарилиши таъминланиши билан боғлиқ ҳужжатлар, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари.

Такдим этиладиган бизнес-режа микрокредит олиш учун буюртманома берилган санадан кўпи билан 60 кун олдин тузилган бўлиши керак.

Кредит берувчи банк ходими кредит ҳужжатларини олгач ва уларнинг тўлиқлигини текширгач буюртманомани махсус дафтарда рўйхатдан ўтказди, дафтарга тартиб рақами қўйилади, ип ўтказиб тикилади, банк муассасасининг раҳбари ва бош бухгалтери имзолари ҳамда думалоқ муҳр билан тасдиқланади.

Дафтарда буюртманома берган мижознинг номи, буюртманома берилган сана, сўралаётган микрокредит миқдори, микрокредит олишнинг мақсади, уни таъминлаш тури кўрсатилиши керак.

Буюртманома рўйхатдан ўтказилгандан кейин кредит берувчи банк ходими кейинги кундан кечикмай ҳужжатлар пакетини кўриб чиқиш учун банк муассасасининг кредит кўмитасига беради.

Кредит кўмитаси, шу жумладан жойига борган ҳолда, қарз олувчининг кредит буюртманомасини ва тўловга қодирлигини, шунингдек микрокредит мақсадларининг фаолият характериға мувофиқлигини ўрганади. Кредит пакетини таҳлил қилиш шунингдек қарз олувчининг кредит тарихини ва унинг раҳбари обрўсини баҳолашға асосланади.

Кредит тарихини баҳолаш банк томонидан Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институтидаги қарз олувчи тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалға оширилади.

Кредит кўмитаси буюртманомани кўриб чиққандан кейин тегишли қарор чиқаради, қарор кредит кўмитаси раҳбари томонидан тасдиқланади. Микрокредит бериш тўғрисидаги ижобий қарор кредит кўмитаси аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан маъқулланиши керак. Кредит кўмитасининг ижобий қарори асосида қарз олувчи билан кредит шартномаси тузилади. Айни бир вақтда кредит тўғрисидаги маълумотлар банкнинг берилган кредитлар тўғрисидаги ўз маълумотлар базасига ва Кредит ахбороти миллий институтига тушади.

Кредит кўмитаси томонидан салбий қарор қабул қилинган тақдирда қарз олувчи бу ҳақда рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади. Тадбиркорлик субъекти кредит кўмитаси қарори юзасидан судға белгиланган тартибда шикоят билдиришға ҳақлидир.

Микрокредит бериш тўғрисидаги қарор кредит кўмитаси томонидан банкка зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кредит буюртманомаси тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида қабул қилинади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда ёхуд ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда банк кўрсатилган муддат мобайнида ҳужжатларни аниқ мулоҳазалар рўйхатини ёзма шаклда баён қилган ҳолда пухта ишлаш учун қайтаришга ҳақлидир.

Микрокредитлар таъминланиш, шунингдек ишонч асосида берилади. Мулк гарови микрокредитни таъминлашнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай мулк, шу жумладан буюмлар ва "Гаров тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мулк хуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин. Қарз олувчининг ўзи, шунингдек учинчи шахс ҳам гаров кўювчи бўлиши мумкин. Кўчмас мулк гарови тўғрисидаги шартнома "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) хўжалик ҳисобидаги кадастр ва кўчмас мулк хизматида рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак. "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг тегишли туман (шаҳар) хўжалик ҳисобидаги кадастр ва кўчмас мулк хизматлари мансабдор шахслари кўчмас мулк гаровидан бўш бўлмаган битишувларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар, гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда тақиқланмаган кейинги гаровни назарда тутувчи гаров тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Қарз олувчи ссуда қарздорлиги бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда банк маблағларни кафолат берувчининг талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисоб рақамидан акцептсиз тартибда ундириб олишга ҳақлидир.

Микрокредитлар фақат қоникарли кредит тарихига эга бўлган ва олдин олинган учта кредитни ўз вақтида тўлаган қарз олувчиларга ишонч асосида берилиши мумкин. Кредит ишонч асосида берилганда бўлажак тўловлар бўйича таъминлаш сифатида қарз олувчилар томонидан кредит қийматининг

20 фоизгача миқдордаги суммада мажбурий жамғариладиган депозит жойлаштирилади, унга банк томонидан фоиз тўловлари қўшилади.

Микрокредитлар товар-моддий бойликлар, хизматлар ва ишлар учун тўлов топшириқномаларини нақд пулсиз шаклда тўлаган ҳолда алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ёки банк кассаси орқали харажат далолатномаси бўйича нақд маблағ бериш йўли билан берилади. Ссуда ҳисобрақами, агар кредит шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси тузилган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида очилади. Банк кредит суммасидан ва фоиз ставкасидан келиб чиқиб асосий қарз ва фоизларнинг бўлажак тўловлари суммасини кредитнинг бутун муддатига тенг тўловларда ҳисоблаб чиқади.

Кредит шартномаси шартлари бажарилишини таъминлаш, олинган микрокредитдан қарз олувчи самарали фойдаланиши, микрокредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида унинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши мақсадида банкнинг масъул ходими томонидан мониторинг олиб борилади.

Банкнинг масъул ходими бизнес-режа параметрларига ҳамда гаровнинг ҳолатига мувофиқ микрокредитдан самарали ва мақсадли фойдаланилишини бир ойда камида бир марта текширади. Мониторинг давомида масъул ходим қарз олувчи билан узлуксиз алоқа ўрнатади, жойнинг ўзида унинг режалари ва ниятларини ўрганади, шунингдек қарз олувчининг фаолиятидаги салбий тенденцияларни илк босқичида аниқлайди. Олиб бориладиган мониторинг натижалари қарз олувчининг махсус шахсий ҳужжатлар тўпламида тизимлаштирилади. Банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаётган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

Агар қарз олувчи банкнинг тавсияларини келишилган муддатларда бажармаса, унга санкция қўллаш тўғрисидаги огоҳлантириш билан бирга


даъво хати юбориш ва асосий сумма ва кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек кредитни кредит шартномасида белгиланган муддатда кайтариш истиқболи мавжуд бўлмаган тақдирда кредит бўйича қарздорлик колдишни муддатида олдин, шу жумладан гаровга қўйилган мол-мулк ва бошқа мол-мулк ҳисобига ундириб олиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг асосий кредит марказларидан бири бўлган «Микрокредитбанк»нинг низом жамғармасини кўпайтиришга оид фармони қабул қилингани ҳам шу йўлдаги амалий қадам бўлди. Буни қуйидаги диаграмма орқали яққолроқ кўриш мумкин.

3-диаграмма

2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли Фармонга асосан

Микрокредитбанк фоиз ставкалари¹



Ўзбекистон иқтисодиётида мустақиллик йилларида кескин ўзгаришлар рўй берганлигини кўрамиз. Режали иқтисодиёт тизими тугатилиб, эркин

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси муовини Ш.Х.Ҳайдаровнинг “Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инкирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир” маърузаси 2009 йил.

бозор муносабатларини шаклланиши иқтисодиётнинг барча соҳаларида бўлгани каби банк тизимини ҳам ислоҳ қилинишига туртки берди. Айтиш мумкинки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон банк тизими қайта тикланди. 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Ушбу иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади. Шу сабабли, тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, фермер хўжаликларини молиялаштиришдаги ўрнида банklar фаолиятини ривожлантириш, янги банк операцияларини жорий этишга кенг йўл очиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Тадбиркорлик субъектларига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар қўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар

ошириш ва бунинг эвазига ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча янги иш ўринлари яратиш вазифаси қўйилган эди.

3-жадвал

ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк, ОАТ Асакабанк ва ОАТБ Микрокредитбанк томонидан томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган кредитлар динамикаси¹

(млрд сўмда)

Банклар	31.12.2009		31.12.2010	
	Микрокредитлар	оилавий тадбиркорлик	Микрокредитлар	оилавий тадбиркорлик
Ўзсаноатқурилишбанк	14,9	1,7	20,4	2,3
Асака банк	11,9	0,2	16,4	0,55
Микрокредитбанк	96,4	9,6	121,5	12,2

4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, республикамизнинг йирик тижорат банкларидан ҳисобланган ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк, ОАТ Асакабанк ва ОАТБ Микрокредитбанк томонидан томонидан берилган микрокредитлар ҳажми 2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўсиш тенденцияси кузатилган ва Микрокредитбанк мазкур хизмат тури бўйича Ўзсаноатқурилишбанк ва Асакабанкларга нисбатан юқори улушга эга.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган кредитларнинг ҳажми ҳам 2 йил давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришда банкларнинг кредит ресурслари муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банклари томонидан 402 млрд. сўмлик ёки 2009 йилга нисбатан 1,7 баробар кўп имтиёзли кредитлар ажратилди. 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2009 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 2

¹ ОАТБ Ўзсаноатқурилишбанк, ОАТ Асакабанк ва ОАТБ Микрокредитбанкларнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

трлн. 700 млрд. сўми ташкил этди. Шундан 485,2 млрд. сўми кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига мувофиқ 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадларига 261,2 млрд. сўмлик, ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга 242,6 млрд. сўмлик, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 519,5 млрд. сўмлик, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 486,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитларнинг динамикаси¹

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан Ўзгариш
	2006	2007	2008	2009	2010	
Тижорат банклари томонидан кичик бизнес хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар млрд.сўм	547,4	743,7	1250,7	1851,7	2690,2	4,9 марта
шу жумладан: микрокредитлар млрд.сўм	64,9	110	202,5	322,1	485	7,5 марта

Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 1,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 1,5 баробар ошган.

“2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз миқдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробардан кўпдир. Фақат

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

ўтган йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баробардан зиёд ошди”¹

Қуйидаги келтирилган 5-жадвал маълумотларида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар динамикасини кўриб ўтамыз.

5–Жадвал

Тижорат банклари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар²

(2011 йил 1 январ ҳолатига, млн.сўмда)

№	Тижорат банклари номи	Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан	Хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан	Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан	ЖАМИ
	ТИФ Миллий банк	240 531	112 420	2 061	355 012
	Саноатқурилишбанк	201 233	6 892	197	208 322
	Агробанк	263 957	13 622	5 768	283 347
	Халқ банки	188 338	179	1 828	190 346
	Асакабанк	277 725	15 939	0	293 664
	Ипотекабанк	191 516	2 372	270	194 158
	Микрокредитбанк	211 487	3 056	54	214 598
	Қишлоқ қурилиш банк	86 382	752	0	87 134
	Бошқа банклар	849 491	13 796	317	863 604
	ЖАМИ	2 510 660	169 029	10 494	2 690 185

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан томонидан ажратилган кредитлар динамикасида кўриш мумкинки, микромолиявий хизматлар бозорида ТИФ Миллий банк, Агробанк, Асакабанк ва Микрокредитбанкларнинг улуши юқори. Таъкидлаш жоизки, 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан

¹ И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 22 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2011 йил.

ажратилган кредитлар ҳажми 2009 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 2 трлн. 690 млрд. сўмни, Микрокредитлар ҳажми 2009 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошиб, 485 млрд. сўмни ташкил этди. Кичик бизнеснинг муҳим соҳаси бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига эса 261 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Бизга маълумки, банк тизими мамлакатнинг иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади. Давлатнинг монетар ва фискал сиёсати кўп жиҳатдан банклар фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, миллий иқтисодиётимизга зарур ҳамда бўш маблағларни жалб этиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш банкларнинг асосий вазифаси ва мақсади бўлиши керак.

Бозор муносабатларининг шаклланиши банк тизимида туб ўзгаришларни ислоҳ қилинишига олиб келди. Банк тизимини ривожланиши республикамызда оммавий ижтимоий-иқтисодий ходисадир. Бу жараён ривожланиши миллий иқтисодиётимизда ўзининг маълум бир ўрни ва аҳамиятига эга. Демак, бу секторнинг ривожланишини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, фермер хўжаликларини фаолиятини таҳлил қилиш учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, фермер хўжаликларини молиялаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, фермер хўжаликларини бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш;

- Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар мувафақияти кўп жиҳатдан банк молия тизимининг барқарор фаолият юритишига боғлиқдир. Негаки банкларнинг инвестицион фаоллигини, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги ролини ошириш, банкрот ҳолатидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, фермер

хўжаликларини молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашдаги иштирокини янада кучайтириш;

- Аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижросини таъминлаш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни, фермер хўжаликларини фаолиятини рейтинг билан баҳолаш ва бу баҳоларни матбуотда эълон қилиниши сабабли, уларга катта молия бозорида йўл йўриқ кўрсатиш. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари банкир олдида эмас, балки банкир ўз мижозлари олдида ўз хизматларини таклиф этиб борса, банкларга ишонч ва банк хизматидан фойдаланиш янада ортиши табиийдир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини ўзлаштиришни фаоллаштириш мақсадида, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ лойиҳаларга устувор равишда зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда бирламчи экспетизадан ўтказишда яқиндан кўмак берилмоқда. Тижорат банкларининг ташқаи манбалар ҳисобидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш тартибини кейинги параграфда кўриб ўтамыз.

2.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ташқи манбалар ҳисобидан кредитлаш амалиёти

Бугунги кунда асосий тенденциялардан бири тижорат банклари томонидан халқаро молия ташкилотларининг кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш, шунингдек, микромолиялаштиришни ривожлантиришга қаратилган, узоқ муддатли кредит линияларини фаол жалб қилиш ҳисобланади.

Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 14 июлдаги 152-сонли «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш. 2 - Босқич.» Осиё тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Осиё тараққиёт банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини келгусида микрокредитлаш учун «Агробанк», «Ипак Йўли» банки ва «Ҳамкорбанк» каби тижорат банкларига 50 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида кичик ишлаб чиқариш шаклларининг йирик корхоналарга нисбатан умумий салмоғи катталиги, ЯИМ даги, фаолият олиб бораётган корхоналар сонига улуши, шунингдек бандликни таъминлашдаги ролининг юқорилиги кўринади. Масалан, ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМ даги улуши 50 фоиздан ортиқ, баъзи мамлакатларда эса, 60-70 фоизгача етади. Уларнинг корхоналар умумий сонига улуши баъзи ҳолларда 95-98 фоизгача, умумий бандликдаги улуши эса, 60-80 фоизни ташкил этади¹.

Тадбиркорлар ўз фаолиятининг кенгайишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллар: бошланғич сармояни йўқлигидан, солиқ ва бошқа ажратмаларнинг даражалари юқорилиги, моддий-техник ресурсларини сотиб олиш ва маҳсулотни сотиш қийинлиги, корхонанинг банкдаги

¹ Мировая экономика и международный бизнес./Под ред. Польяка.М.,2008, стр 240-242.

ҳисобварағида турган маблағлардан фойдаланиш имкониятлари чекланганлигидан, кичик бизнес субъектини рўйхатга олиш ва кредитлаш жараёнлари мураккаблиги кабилар деб ҳисобламоқдалар.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, тадбиркорлик анъаналари қайта тиклана бошлади. Кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Дарҳақиқат, кичик бизнес корхоналари ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пировардида кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга муҳим замин яратади.

Бугунги кунда кичик бизнес сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб, тижорат банклари томонидан халқаро молия ташкилотларининг кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлашга йўналтирилган узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб этиш ҳисобланади.

Мамлакатда ишлаб чиқаришнинг замонавий даражасини таъминловчи рақобат муҳитини шакллантиришда, монополияга қарши курашишда, илмий-техникавий ютуқларни амалиётда қўллашда асосий омил сифатида асосан кичик корхоналар ва микрофирмаларга эътибор қаратилмоқда.

Шу сабабли, кичик бизнес фаолияти билан боғлиқ муаммолари аниқланмай, уларнинг ечими топилмаса, бир қатор салбий оқибатларга дучор бўлади. Кичик бизнес корхоналарининг ривожланиш ҳолати ўзининг потенциал имкониятларига тўлиқ жавоб бермаса, мазкур ҳолатни кичик бизнес корхоналарининг ЯИМдаги улуши талаб даражасида эмаслиги, бандлик даражасининг пастлиги, кичик бизнес корхоналарида соҳалар бўйича ихтисослашувнинг такомиллашмаганлиги кабилар билан изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини такомиллаштириш, унинг молиявий маблағлар билан таъминлаш муаммолари ҳам амалда ўз ечимини кутмоқда. Хусусан, бу турдаги корхоналарда ўз ва жалб қилинган маблағларнинг етишмаслиги кичик бизнес корхоналарининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирга кунда йирик халқаро молиявий институтлар кичик ва микрокорхоналар сектори ривожланишини қуллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларида кредит линияларини очмоқдалар. Уларнинг ичида ЕТТБ, Осий тараққиёт банки, Германия КфВ каби банклар бордир.

- ЕТТБ, Осий тараққиёт банки, Германия КфВ кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириладиган микрокредитлар 10000 АҚШ доллари миқдоригача нақд пул кўринишида берилиши мумкин;

- савдо фаолиятини молиялаштириш учун рухсат этилади;

- Стабиль равишда фаолият кўрсатаётган бизнесни кредитлаш ЕТТБ кредит линияси талабларидан биридир. Дастур ўз фаолиятини янгидан бошлаётган тадбиркорларга кредит беришни назарда тутмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматларни таклиф этишни диверсификациялаш жараёни ҳолатини кўриб чиқамиз. Бунда тижорат банкларининг ўз маблағлари, Дехқон ва фермер хўжаликларини қуллаб-қувватлаш жамғармаси ва Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан микрокредитлаш амалиётига асосий эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг инқироздан кейинги даврдаги барқарор ривожланишини таъминлашда банк тизими муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш

механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттиришлари лозим”¹.

Шу нуқтаи-назардан олганда, кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш, уларга бериладиган кредитлар ҳажмини ошириш инқироздан кейинги даврдаги барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитлар ҳажмини ошириш бевосита кредитлар фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш ва банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Марказий банк монетар сиёсат орқали кичик бизнес субъектларини банклар томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиши лозим. Бунда асосий эътибор Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкалари барқарорлигига эришиш ва тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлашга эришиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қуйилмалари ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги хорижий банклар ва молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан катта миқдорда инвестицион лойиҳаларни кредитланганлиги билан изоҳланади. Мустақиллик йилларида йирик миқдордаги хорижий кредитлар жалб қилинди ва ўзлаштирилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз кимё мажмуаси каби йирик объектларни қуришда хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредитларидан фойдаланилди.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “шу ўринда ўз кредит портфелида 85

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б. 41.

фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрнак бўлиши лозим”¹.

Қуйидаги келтирилган 6-жадвалда Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилган хорижий кредит линиялари ўзгаришини келтириб ўтамиз.

6–жадвал

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилган хорижий кредит линиялари²

(минг АҚШ доллари)

Тижорат банклар	2009 йил жалб этилган кредит линиялари миқдори	2010 йилда жалб этилган кредит линиялари миқдори	Ўтган йилга нисбатан ўсиши
ТИФ Миллий банк	25 000	60 000	41,7 %
Агробанк	5 000	20 000	4,0 баробар
Асакабанк	25 000	45 000	1,8 баробар
Микрокредитбанк	6 100	0	0,0
Саноатқурилишбанк	4 000	4 600	115,0
Ипотекабанк	900	0	-
Қишлоқ қурилиш банки	10 000	12 000	1,2 баробар
Туронбанк	2 000	410	20,5 %
Хамкорбанк	4 000	22 100	5,5 баробар
Халқ банки	440	0	-
Ипак-йўли банки	4 380	16 900	3,8 баробар
ЖАМИ	121 820	146 010	119,9 %

6-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, тижорат банкларининг кичик бизнес инвестицион лойиҳаларига учун жалб қилинган

¹ Каримов И.А. Б. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 58.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2011 йил.

маблағлари ўтган йилга нисбатан 119,9 фоизга ошган. Хорижий кредит линияларини жалб этишда ТИФ Миллий банк, Агробанк, Хамкорбанк, Ипак йўли банки қаба банклар етакчилик қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли кундан кунга ошиб, уларга кўрсатилаётган хизматлар такомиллашмоқда. Ўзбекистон банк ва нобанк муассасаларида гуруҳли кредитлашни жорий қилиш кичик тадбиркорларга микрокредитлар ва микрозаёмларни ажратишнинг мавжуд амалиётини такомиллаштириш учун имкон беради.

7–Жадвал

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган (ўзлаштирилган) кредитлар¹

(минг АҚШ доллари)

Т/р	Тижорат банклари	2009 йил давомида ўзлаштирилган кредит линиялари миқдори	2010 йил давомида ўзлаштирилган кредит линиялари миқдори	Ўтган йилга нисбатан ўсиши, фоизда
1.	ТИФ Миллий банк	30 486	68 507	224,7
2.	Агробанк	4 630	8 301	179,3
3.	Асакабанк		9 713	
4.	Микрокредитбанк	590	1 863	315,7
5.	Саноатқурилишбанк	5 000	4 200	84,0
6.	Ипотекабанк	1 900	1 446	76,1
7.	Қишлоқ қурилиш банки	0	529	
8.	Туронбанк	0	322	
9.	Ҳамкорбанк	4 000	3 289	82,2
10.	Халқ банки	80	111	138,8
11.	Ипак-йўли банки	3 370	4 796	142,3
	ЖАМИ	50 056	103 076	205,9

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2011 йил.


Бугунги кунда асосий тенденциялардан бири тижорат банклари томонидан халқаро молия ташкилотларининг кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш, шунингдек микромолиялаштиришни ривожлантиришга қаратилган, узоқ муддатли кредит линияларини фаол жалб қилиш ҳисобланади.

Қуйидаги келтирилган 5-диаграммада Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳажми ва унинг таркибида кичик бизнес соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг улуши келтирилган

5-диаграмма

Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳажми ва унинг таркибида кичик бизнес соҳасидаги инвестиция лойиҳаларининг улуши¹

(млн. АҚШ долларида)




2010 йилда умумий қиймати 90,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линиялари жалб қилиниб (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», «Микрокредитбанк», «Асака-банк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Туронбанк», «Ҳамкорбанк», Халк банки ва «Ипак йўли» банки), шундан 40,3 млн. АҚШ доллари кичик

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2011 йил.

бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

6-диаграмма

**Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган хорижий кредит
линиялари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг лойиҳалари молиялаштириш режаси¹**



2011 йилда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастуридоирасида халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари грантларини ўзлаштириш ва жалб қилишни фаоллаштириш орқали мазкур манбалар ҳисобидан 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини 2011 йилда-75 млн., 2012 йилда-90 млн., 2013 йилда-110 млн., 2014 йилда-130 млн. ва 2015 йилда-155 млн. АҚШ долларида кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, корхоналарни қўллаб-қувватлашда банклар иштирокини янада кучайтириш қуйидаги масалаларнинг долзарблиги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 – сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги Қарорининг иловаси асосида тузилди.

муҳим роль ўйнайди:

- тижорат банкларининг реал сектор корхоналарини модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги манфаатдорлигини ошириш;

- тижорат банкларини фаол ишлайдиган йирик инвестиция институтларига айланишига имкон берадиган зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни шакллантириш;

- банклар томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларнинг банклар кредит портфели умумий ҳажмидаги улушини кўпайтириш;

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини банклар томонидан қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш, уларда инвестиция жалб қилиш, модернизация, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳисобланади.

III бoб. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Ўзбекистонда пул массасаси ҳажмининг банкдан ташқари муомаласи билан бирга ЯИМдаги депозитлар улуши кўрсаткичлари паст даражада бўлиб қолмоқда. Бу борадаги давлатнинг сайъ-ҳаракатлари самарасиз бўлиб қолмоқда. Кредит уюшмалари сонининг ўсиши ва банк филиаллари ҳамда чакана хизматлари бозорининг ривожланиши кузатилсада аҳолининг сезиларли қисми ҳамон ўзларининг молиявий операцияларини лицензияга эга бўлган ташкилотлар доирасида амалга оширмаптилар. Кичик бизнес, уй хўжаликлари жамғармаларини лицензияга эга ташкилотларга жалб қилиш бўйича қабул қилинган ва қўлланилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда кредит уюшмаларига нақд пул кўринишида кредитлар беришига рухсат берилди. Буларга қарамадан, расмий молиявий тизим ривожига ҳалақит берувчи ўларининг активлари ва даромадларини солиқлардан қочиш мақсадида яширувчи савдо жойлари ва кичик корхоналарга мажбурий нақд пул инкассацияси жорий этилиши давом этмоқда. Бу вазиятни тўғрилаш учун вақт талаб этилади лекин бунга қадар микрокорхоналар учун расмий каналлар орқали молиялаштирилиш аҳамияти камайиб кетади. Натижада жисмоний шахслар ва микрокорхоналар ўзларнинг фаолияти доирасида шахсий жамғармаларига ишонч билдиришади. Шу жиҳатдан, бу хусусиятлар активлар ўсишига инвестициялаш фаолиятини ва фойда оқимини чегаралаб қўяди.

Банк тизимида бўлган аҳолининг ишончини орттириш бўйича ижобий режаларнинг мавжудлиги кўзга ташлансада, Ўзбекистонда сақланиб қолган картотекаларни юритиш тартиби аҳолининг солиқлар тўловлари бўйича пасайиш ҳолати соҳасида муаммоларга дуч келмоқда ҳамда жамғармаларни

жалб қилиш кредит уюшмалари учун паст даражада ва банклар учун эса жиддий муаммолигича қолмоқда.

Давлат муддатли микрокредитлаш муассасалари кичик корхоналар билан бирга уларнинг турли бирлашмаларига ҳам имтиёзли фоиз ставкаларини таклиф этади. Масалан, консорциумлар кредитларни фоиз ставкаси бозор қийматининг 60 %ини тқлаган ҳолда қайтаради.

Венчур тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш мақсадида кичик корхоналар ёпиқ инвестиция фонди ташкил этилган. У фақат биржада рўйхатга олинмаган корхоналарга маблағ беришга ҳақли. Фондлар сармояси давлат облигациялари ёки бошқа ёпиқ фондлар акцияларига инвестицияланиши мумкин эмас. Бу ҳолда фонд улуши иштирокида таъсис этилган компаниялар акцияларини сотиш фонда олишнинг асосий манбаи бўлади.

Кичик тадбиркорларга алоҳида имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Улар ташкил этаётган фирмалар қўшимчамолиявий афзалликларга эга бўлади: уларга ажратиладиган сумманинг 50 %гача миқдори ускуналарни харид қилишга сарфланади, 2 йил мобайнида ноишлаб чиқариш чиқимлари учун алоҳида маблағлар берилади. Имтиёзларни беришда вақти – вақти билан фирма фаолияти аудиторлик назоратидан ўтказилади ҳамда қонунлар жиддий бузилганлиги аниқланганда улар бекор қилинади.

Германияда кичик тадбиркорликни қўллаб - қувватлашнинг давлат дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилади. Унга мувофиқ тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки 2 йилида %сиз кредит берилади. Кейинги йилларда эса жуда паст ставкада йиллик %лар ундирилади. Шу тариқа, деярли бепул бошланғич сармоя билан таъминланади. Имтиёзли давлат ташкилоти томонидан пухта ишлаб чиқилган бизнес режага асосан берилади. Кейинчалик бу ташкилот кредитдан мақсадли фойдаланаётганлигини жиддий назорат қилади ва барча харажатлар тегишли ҳисобварақлар билан тасдиқланишини талаб этади. Ишлаб чиқариш соҳасида

фаолият юритаётган кичик корхоналар арзон нархларда қурилиш учун ижарага участка олади.

Японияда кичик тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш учун 180 млрд. иена миқдордаги бюджет маблағлари кенг қўлланилади. Баъзи вазирликлар ва идораларнинг сметаларида бу мақсад учун ҳар йилги махсус модда ҳам мавжуд. Бундан ташқари, кичик корхоналар давлат инвестицияси ва қарзлари дастури доирасида махсус бюджет ҳисоб вароқлари бўйича ҳам молияланади. Уларнинг даромад қисми пенсия фондлари, почта суғурта фонди, почта омонат кассалари, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган заёмларни чиқаришни ташкил этади. Давлат маблағларини тақсимлаш Япония ҳукумати томонидан ташкил этилган Кичик тадбиркорлик корпорацияси каби тижорат тузилмалари томонидан асалга оширилади. Кичик корхоналарга давлат имтиёзли кредитларини тақдим этиш корпорация фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. У ҳар йили 20 млрд. иена миқдоридаги ёрдам кўрсат ади. Умуман Японияда кичик корхоналарни микрокредитлаш муаммоси кредит кафолатлари ва кичик корхоналар фаолиятини суғурталаш бўйичаанча мураккаб тизим орқали ҳал қилинади. Бу тизим тижорат асосида ишлайдиган ижтимоий ташкилотлар бўлган 52 та перфектура уюшмасини қамраб олади. Бундай уюшма кичик корхоналардан бериладиган гаров учун кредит суммасининг бир фоизини олиб, аъзоликка кириш бадаллари ҳисобига тқлдириб бориладиган суғурта фондини ташкил этади. Гаров берилгандан кейин уюшма кафолат суммасининг 4/5 гача қисмини суғурталайди. Шу тариқа уюшма қарз олувчи тўловга ноқобил бўлган ҳолда қарзнинг деярли бутун қисмини ўз зиммасига олади. Чунончи уюшма зарарни кичик корхонанинг ўз ҳисобига қоплаш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади. Бу тизим туфайли уюшма аъзолари гаров бўлмаган тақдирда ҳам унинг кафолатлари остида кредит олишлари мумкин.

Бундан ташқари юқори даражада ихтисослашган Япония банк тизимида бевосита кичик бизнес корхоналар билан ишлайдиган бир неча турдаги

банклар ҳам мавжуд. Уларга биринчи навбатда перфектуранинг асосий шаҳарларда жойлашган маҳаллий банклар киради. Аксарият бундай банклар катта бўлмай асосан кичик бизнес корхоналарга хизмат кўрсат ишга мўлжалланган. Бундай миждозлар билан ишлайдиган банкларнинг бошқа тоифаси анъанавий қўшма кредит компаниялари асосида тузилган “Coro” банклар ҳисобланади. Уларнинг миждозлари ва фойдадорлиги чекланган: миждозлари 300 кишигача, фойдадорлиги эса 800 млн. иендан ошмаслиги зарур. Кичик бизнес тадбиркорликга мўлжалланган кредит муассасаларининг учинчи тоифаси –“Шикхин банклар” ҳисобланиб, бу кичик короналар эгалари аъзо бўлган ширкатлардир. Улар ширкат аъзоси бўлмаган корхоналарни молиялаши ҳам мумкин, лекин бунда сумма микрокредитлаш умумий миқдорининг 20 %дан ошмаслиги лозим.

Бизнинг давлатимизда ҳам худди шу йўлдан бораётганлиги ва барча ҳамдқстлик мамлакатлари учун намуна бўлаётганлиги рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Шунга қарамай бу соҳани такомиллаштириш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар етарлича ва бу соҳада изланишларни давом эттириш тақоза этилади.

Иқтисодий тадбиркорлик секторига инвестицияларни жалб қилишнинг мавжуд механизми кичик бизнес корхоналарни микрокредитлашда тижорат банклари манфаатдорлигини рағбатлантириш меъёрий жиҳатдан рағбатлантирилиши, шунингдек ўзаро микрокредитлаш жамиятлари ва хусусий ҳамда кичик тадбиркорликни ривожлантиришга маблағ берадиган бошқа молия институтлари барпо этилиши ва фаолият юритиши учун меъёрий ҳуқуқий асослар ишлаб чиқарилиши керак.

Тижорат банкларининг асосий талаби - кредит муддатида ва фоизлари билан қайтариб берилишини максимум кафолатлашдан иборатдир. Ўз ишини очмоқчи бўлаётган, бироқ гаров мажбуриятлари учун етарли мол-мулк ва маблағи бўлмаган одам бундай кафолат бера олмайди. Кредит иттифоқлари эса қарз олувчини худди ана шу гуруҳни назарда тутди.

Ўзаро микрокредитлаш жамиятлари ёки кредит иттифоқлари – нотижорат молия ташкилотлари бўлиб, улар иштирокчиларнинг шахсий жамғармаларини қўшиб юбориши ҳисобига ўз аъзоларига – мақбул фоиз ставкалари бўйичакредитлар олишда ёрдам беради. Халқаро юридик амалиётда бундай ташкилотлар “хусусий шахслар томонидан ташкил этиладиган, фойда кўрмайдиган кооператив молия корхоналари” деб таърифланади. Корхоналар низомига мувофиқ жамият аъзолари, унда ўз маблағларини сақлаш, қарзга пул олиш, шунингдек бошқа молиявий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзаро микрокредитлаш жамиятлари фақат ўз аъзоларига хизмат кўрсат ади. Жамият оладиган даромадлардан тижорат фойдасини чиқариб олиш учун эмас, балки жамғарма омонатларидан бир мунча юқори фоиз олиш ва ўз аъзоларига кредитларни анча паст фоиз ставкаларда бериш учун фойдаланилади. Қонун нуқтаи назаридан қараганда, бунда жамиятларни ташкил этишнинг асосий принциплари қуйдагилардан иборат бўлади:

- ҳар бир кредит жамиятининг фаолияти унинг бирликдаги эгалари бўлганва фаолиятини бошқарадиган аъзоларига қарашли акциялари ҳисобидангина молиялаштирилади;
- жамиятга аъзолик низом билан белгиланади ва касбга мансублиги ёки аниқ чегараланган маъмурий бирлик доирасида яшаши туфайли ўзаро боғланган шахсларнинг муайян гуруҳи билан чеклаб қўйилади;
- жамиятнинг ҳар бир аъзоси пай бадалининг ёки сотиб олинган акцияларнинг миқдоридан қатъий назар, бошқарив соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда битта овоз ҳуқуқига эга бўлади;
- бошқарувнинг бошқа битта аъзоси маъмурий мажбуриятларни бажаради, бошқа аъзоларнинг бошқарувдаги иштироки жамоатчилик асосида амалга оширилади;
- кредитлар ва бошқа имтиёзли хизматлар фақат жамият аъзоларига кўрсат илади.

Кредит иттифоқининг асосий ютуғи шундаки, улар “катта оила” принциpidан фойдаланишади. Иттифоқ аъзолари бир-бирига ишонади, бири бири учун кафил бўлишга тайёр туришади. Улар иттифоққа аъзо бўлишга моддий жиҳатдан боғлиқдирлар. Ушбу ташкилотларнинг асосий принципларидан бири ишонч бўлганлиги сабабли уларнинг аъзолари кўпбўла олмайди. Аслида улар махсус матлубот кредит кооперативлари бўлиб, уларнинг ихтиёрий найчалари бир-бирларига ёрдам бериш ва қарз ва жамғарма хизматларини кўрсат иш мақсадида бирлашгандир.

Ўтиш давридаги шароитда ўзаро микрокредитлаш жамиятлари аҳоли кўлида турган ва ҳозирга вақтда яширинча айланаётган нақд пул маблағлари муомалага жалб этиш йўли билан кичик бизнес бизнесни ривожлантириш соҳасида катта имкониятларга эга. Иқтисодиёти қтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда кредит иттифоқлари аҳолининг кам таъминланган қатламларини реал суъратда микрокредитлашга қодир молия муассасаларидир. Шунинг учун ҳам микрокредитлашнинг ушбу турини мамлакатимизда жорий этиш энг долзарб муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармонида асосан қабул қилинган 2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланди ва бунда асосий эътибор қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилди.

Биринчидан — корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бунда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларини устувор тарзда қўллаб-қувватлаш.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш борасида

кабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавкега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Иккинчидан — экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш борасида аниқ, чоратадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

Учинчидан — қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Тўртинчидан — электрэнергетикаси тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бешинчидан — жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 112 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилади (2011 йил учун ПҚ-1438-сонли Қарор билан тасдиқланган Дастурда белгиланганига нисбатан 1,5 баробар кўп). Шунингдек, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа хужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган Жамғарма ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағларининг ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори

кабул қилиниб, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси бўйича берилган имтиёз муддати 2016 йил 1 январга қадар узайтирилди. Бунга асосан жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, 24 млрд. сўмдан ошириш чоралари кўрилади. Ушбу кредитлар устувор равишда узоқ ва чекка, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Нобанк кредит ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли Қарори асосида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада кенгайтирилади, улар кўрсатаётган микромолиявий хизматлар ҳажми янада оширилиб, 307 млрд.сўмни ташкил этиши режалаштирилган.

Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш, кичик бизнесни ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун зарур кредит ресурсларининг ўз вақтида ажратилишини таъминланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарали фаолият юритиши учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Иқтисодий қонунларни жаҳон иқтисодиёти талаблари даражасига етказиш;
- Имтиёзли кредит тизимини ривожлантириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таваккалчилиги юқори бўлган шартномаларини суғурталашни кескин ошириш;
- тадбиркорлар томонидан танланган замонавий ускуналарни сотиб олиш учун молиявий ресурслар билан таъминлаш, жамғарма, лизинг,

факторинг ва кредит механизмларидан фойдаланиб, молиявий муаммолаларни ҳал қилиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тижорат банклари тадбиркорлар учун молиявий инновацияларни ишлаб чиқмоқдалар. «Молиявий инновациялар» атамаси банклар томонидан кичик бизнес субъектларига уларнинг фаолиятини кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун таклиф этиладиган янги молиявий маҳсулотлар тушунилади. Янги молиявий маҳсулотлар – бу банкнинг кредит ва депозит таклифлари тўпламидир ҳамда улар маҳаллий тадбиркорлар учун иқтисодий нуқтаи назардан етарли даражада жозибали ва фойдали бўлиши кўзда тутилади.

Мамлакатимизда тижорат банкларини кредитлаш жараёнларини янада кенгайтириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли қарори 1-иловасининг 4-йўналиши тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини, улар томонидан ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини кенгайтиришга бағишланган. Унга кўра 2011-2015 йилларда тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестициявий лойиҳаларни ва иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларини кредитлаш ҳажмини 2,8 мартага ошириш режалаштирилган ва тижорат банкларини кредитлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича бир қанча чора тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлар билан биргаликда, банкларнинг кичик бизнес субъектларига кредит хизмати кўрсатиш амалиётида айрим муаммолар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Баҳоловчи компаниялар томонидан кичик бизнес субъектлари томонидан тижорат банкларига тақдим этилаётган гаров объектлари сунъий равишда юқори баҳоланмоқда. Бу эса, кредит рискани кучайишига хизмат қилади. Ҳозирча, республикамизда баҳоловчи компаниялар томонидан гаров объектларининг тўғри баҳоланганлигини текшириш, уларга нисбатан жазо чораларини қўллаш амалиёти йўқ. Айрим тижорат банклари баҳоловчи компания томонидан баҳоланган гаров объектларини қайта баҳолашни амалга оширмоқдалар. Аммо бу ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри. Чунки, гаров объектларини баҳолаш учун давлат томонидан берилган махсус лицензия бўлиши керак. Банкларда эса, бундай лицензия мавжуд эмас.

2. Тижорат банклари кредитлари билан гаров объектларининг маржинал қиймати ўртасидаги нисбатни белгилаш бўйича аниқ, асосли талаблар мавжуд эмас. Бу эса, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётида ноаниқлик ва чалкашликларни юзага келтирмоқда.

Ҳар бир гаров объекти ва кредит суммаси ўртасидаги маржинал қиймат аниқ белгилаб қўйилиши керак ва уларга нисбатан умумлашган талаблар мавжуд бўлиши керак.

3. Тижорат банкларида “узоқ пуллар”нинг етишмаслиги кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш ҳажмини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари узоқ муддатли депозитлар ва узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағлари ҳисобидан берилиши лозим. Агар тижорат банки қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар берса, у ҳолда, банкда трансформация рискни юзага келади ва ушбу риск тижорат банкнинг ликвидлилигини издан чиқишига олиб келади. Афсуски, республикамизнинг қатор йирик тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлигини таҳлилларнинг натижалари кўрсатмоқда.

4. Ривожланган мамлакатларда кредитнинг бирламчи таъминоти ҳисобланган миқдорнинг молиявий ҳолатини кўрсатувчи маълумотларга банк томонидан ишончнинг пастлиги;

5. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг объектив эмаслиги.

Бу муаммоларнинг ечими сифатида қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

Миқдорларнинг банк фаолиятига бўлган ишончини таъминлаш мақсадида махсус **PR (public relations)** яъни, халқ билан ишловчи гуруҳларни ташкил этиш ва жойларда тарғибот ишларини йўлга қўйиш;

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларининг тайёрлаш устидан назоратни кучайтириш ва давлат солиқ, статистика органлари ва тижорат банкларини узвий боғлиқлигини таъминловчи тизимни жорий этиш;

Чекка ҳудудларда ҳам банк консалтинг хизматларини ташкил этиш ва мавжудларини эса кўламини кенгайтириш.

Юқоридагидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда тижорат банкларида кредитлаш жараёнларини йилдан йилга ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу вазифаларни тўла-тўқис бажарилиши иқтисодиётимизда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ва уларда янги иш ўринларини яратиш, нафақат мамлакат иқтисодиёти ривожланишига балки халқ фаровонлигининг таъминланишига ва турмуш даражасини ошишига хизмат қилади.

Республикаимиз тижорат банкларининг микрокредитлаш амалиётига салбий таъсир қилувчи омилларнинг мавжудлиги.

Бундай салбий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– микрокредит операцияларида кредит rischi даражасининг юқорлиги. Кредит rischi даражасининг юқорилиги натижасида микрокредитлар ҳажмининг ошиши билан тижорат банкининг кредитлардан кўриладиган

зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ўсиши юзага келади. Бунинг натижасида тижорат банкининг соф фойдаси миқдори камаяди, активлар сифатининг ёмонлашиши юз беради;

– микрокредит операциялари даромадлилик даражасининг паст эканлиги. Тижорат банклари кредит операцияларини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад юқори даромад олиш ҳисобланади. Шу сабабли, кредит операциясининг паст даромадлилиги тижорат банки учун салбий ҳолат ҳисобланади;

– микрокредитларни бериш соҳалари бўйича чекловларнинг мавжудлиги. Масалан, микрокредитларни савдо соҳасига беришга нисбатан чекловлар мавжуд. Ҳолбуки, кичик бизнес субъектларининг сезиларли қисми савдо соҳасида фаолият кўрсатади ва ана шу мақсадда кредит олишни хоҳлашади;

Амалга оширилган молиявий таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, республикамызда кичик бизнес субъектларини микрокредитлашни ривожлантиришга қаратилган қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микролизинг ва микрокредит хизмати ҳажмини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун, фикримизча, қўйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

А. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкалари 50 фоизга пасайтирилиши (50% миқдорида пасайтириш натижасида қоладиган пул маблағларини микрокредит сифатида бериш шарти билан) лозим;

Б. Микромолиялаш ташкилотларининг тижорат банкларидаги муддатли депозитларига нисбатан Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаси қўлланмаслиги лозим.

2. Республикамиз тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошиб кетмаган ставкада берилган микрокредитлар ва микролизингдан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш лозим.

Ушбу тадбирнинг амалиётга тадбиқи натижасида, биринчидан, тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиялаш хизматлари кўрсатишдан манфаатдорлиги ошади; иккинчидан, мазкур субъектларнинг тижорат банклари микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражаси ортади; учинчидан, микрокредитлар ва микролизинг бўйича қайтарилиш даражаси ошади.

3. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат микрокредит ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида:

- микрокредит ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини жорий қилиш лозим. Бунинг учун нотижорат микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги мақомини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирга қадар мамлакатимизда нотижорат микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги мақоми аниқ эмас;

- нодавлат нотижорат микрокредит ташкилотларининг аҳолининг кам таъминланган қатламларига кўрсатган микромолиявий хизматлардан олган даромадлари фойда (даромад) солиғидан озод қилиниши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли кундан кунга ошиб, уларга кўрсатилаётган хизматлар такомиллашмоқда. Ўзбекистон банк ва нобанк муассасаларида гуруҳли кредитлашни жорий қилиш кичик тадбиркорларга микрокредитлар ва микрозаёмларни ажратишнинг мавжуд амалиётини такомиллаштириш учун

имкон беради. Бугунги кунда асосий тенденциялардан бири тижорат банклари томонидан халқаро молия ташкилотларининг кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш, шунингдек микромолиялаштиришни ривожлантиришга қаратилган, узоқ муддатли кредит линияларини фаол жалб қилиш ҳисобланади. Шу тариқа кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб, Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлашни кенгайтириш ва такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Кичик бизнес тараққиётида асосий ва муҳим аҳамиятга молик бозор муассасалари мустақиллик йилларида вужудга келди. Бозор муносабатларига ўтиш жараёни тадбиркорлик ва мулкдорлар синфини ривожлантириш учун доимий қонуний ислохотлар ва ўзгаришлар оширилди.

2. Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан кейин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий ва яқка тадбиркорларга, кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди. Иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида мамлакатимиз ҳукумати кичик бизнес ва тадбиркорликка катта умид билан қарамоқда. Унинг янада ривожланиши учун тадбиркорларга хом-ашё ва кредит ресурсларидан тўсқинликсиз фойдаланишларига иложи борица қулай шароитлар яратилди. Янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз режаларини амалга оширишга интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш муҳим аҳамият берилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан кичик бизнесни ривожлантирувчи бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада Ўзбекистонда кредит олиб ўз бизнесини режалаштирувчи мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик фаолияти ҳиссасининг ялпи ички маҳсулот таркибида ўсиш кўрсаткичлари бу соҳада катта ютуқларга эришилди.

4. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётимизда ҳал қилувчи йўналишлардан биридир. Хорижий инвестиция ва технологияларни, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш воситаларини жалб қилиб Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари 40,3 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларни жалб қилди.

5. Кичик корхоналар миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим воситасига айланди. Чунки Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 74 фоиздан ортиқ қисми ушбу соҳада бандлигини ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринларини яратиш зарурияти мазкур корхоналар фаолиятини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тақозо қилади.

6. 2010 йил якуни бўйича бу кўрсаткич қарийб кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 52,5 фоизга етди ва 2011 йилда 54 фоизга етказилиши режалаштирилди.

7. Кичик бизнес субъектларининг экспорт ва импорт ҳажмидаги салмоғининг 2010 йилда 200 йилга нисбатан юқори ўсиш суръатига эга эканлиги мазкур субъектларнинг жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган товар ва хизматлар яратаётганлигини кўрсатади.

Магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳияти юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, жойларда кичик бизнес субъектларига мини технологиялар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш механизмини такомиллаштириш;

2. Кредитга лаёқатлилиқни аниқлашда ахборотнинг бошқа манбалари, яъни бошқа молиявий институтлардан олинган маълумотлар, миқознинг мол етказиб берувчиларидан олинган маълумотларидан кенг тарзда фойдаланиш ва республикада хусусий кредит-ахборот бюроларини ташкил қилиш;

3. Микрокредит ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини жорий қилиш лозим. Бунинг учун нотижорат микрокредит ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги мақомини аниқлаб олиш лозим.;

4. Банклар томонидан қабул қилинадиган таъминот шакллари тақомиллаштириш ва ноқолиявий институтлар томонидан берилаётган қафилликларни қамайтириш мақсадида:

- кредитни қайтмаслик хавфини суғурталашнинг турларини ривожлантириш;

- Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан бериладиган қафилликнинг кам иш ҳақининг маълум бир миқдори доирасида белгилаш;

- Кичик бизнес субъектларини асосий муаммоларидан бири бўлган гаров масаласида ёрдам кўрсатиш мақсадида, Кафолат фондини ташкил этиш;

5. Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш мақсадида алоҳида ажратиладиган захиралардан ташқари банкнинг кредит риси доирасида умумий захира ташкил қилиш ва кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларни камида “стандарт” сифатида таснифлаш;

6. Республикамиздаги тижорат банклари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қолиялаштириш, уларни ривожланишига кўмаклашиш мақсадида қуйдаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- қишлоқ шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкларнинг турли қолиявий хизматларини (жумладан лизинг ва факторинг) амалга ошириш;

- янги ташкил қилинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ жойларда нобанк ташкилотлари ва кредит кооперациялари фаолиятини ривожлантириш учун турли қолиялаштириш манбалари ҳисобидан микрокредитлар ажратиш.

7. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микролизинг ва микрокредит хизмати

ҳажмини ошириш мақсадида уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкалари 50 фоизга пасайтирилиши (50% миқдорида пасайтириш натижасида қоладиган пул маблағларини микрокредит сифатида бериш шарти билан) лозим

- Республикамиз тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошиб кетмаган ставкада берилган микрокредитлар ва микролизингдан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий институтлар, хусусан, тижорат банклари ва фондлар томонидан молиялаштириш соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш, тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш механизмини такомиллаштириш соҳа ривожланиши учун хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. – Тошкент: Адолат, 1996. – 557 б.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 7-29.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 30-47.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари:

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сон «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрель.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 113.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили давлат дастури тўғрисида» ги 2011 йил 7 февраль, ПҚ-1474-сонли Қарори.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини

ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ-1325-сонли Қарори.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги 1317-сонли Қарори.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор вазифалари” тўғрисидаги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 561-сон «Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.–Б. 209-212.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 11 февралдаги 632-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш» Тартиби // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 312-325.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 905-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 326-332.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 27 ноябрдаги 594-сонли «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 24 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

2.3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2.4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 85 б.

2.5. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

3. Китоб ва туркум нашрлари

3.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўпламлари:

3.1.1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA », 2007. —347 б.

3.1.2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

3.1.3. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. –187 б.

3.1.4. Батракова Л.Г. «Анализ процентных политика коммерческого банка» М.: «Ульяновский дом печати» 2000. 152 стр.

3.1.5. Грачева М.В. Анализ проектных рисков: Учеб. пособие для вузов. М.: ЗАО «Финстатинформ», 1999. – 93 с.

3.1.6. Кадыров А. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. – Санкт-Петербург: Изд-во СПбУЭФ, 1993. – 152 с.

3.1.7. Дж.Кейнс «Общая теория занятости, процента и денег» М.: Прогресс 1978, 34 стр.

3.1.8. Муллажонов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 296 б.

3.1.9. Панова Г.С. Анализ финансового состояния коммерческого банка. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 272 с.

3.1.10. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – 286 с.

3.1.11. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001. – 33 б.

3.1.12. Синки Дж.Ф. Управление финансами в коммерческих банках: Пер. с англ. – М.: Catalaxu, 1994. – 820 с.

3.1.13. Irving Fisher, «Elementary principles of Economics», New-York, 1923, p. 371.

3.1.14. Банковское дело: управление и технологии: Учеб.пособие для вузов/ под. ред. проф. А.М.Тавасиева.. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.-863 с

3.1.15. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. Управление и операции. – М.: ИПЦ «Вазар-Ферро», 1994. – С. 263-267.Абашина А., Симонова Н. Кредит и займы. -М.: Дело, 1997.- 128 с.

3.1.16. Анализ экономической деятельности клиентов банка. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: Инфра-М, 1995. – 152 с.

3.1.17. Банковское дело: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. О.И.Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2002. – 672 с.

3.1.18. Банковское дело: учебник / О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова, Н.И.Валенцева и др.; под ред. засл. деят.науки РФ, д-ра экон. Наук, проф. О.И. Лаврушина. – 7-е изд; перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 768 стр.

3.1.19. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 5-е изд. доп. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 2002. – 791 с.

3.1.20. Долан Э.Дж., Кембелл К.Д., Кембелл Р.Дж. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика: Пер. с англ./ Под ред. В.Лукашевича. – М.: Издательство АНК, 1996. – 448 с.

3.1.21. Розенберг Д.И. К.Маркс «Капитал» и га шарҳлар. Русча нашридан таржима Т.: Ўзбекистон 1989. 792 бет.

3.1.22. Тосунян Г.А., Викулин А.Ю., Экмалян А.М. «Банковское право»- М.:Юристь, 1999. 448 с.

3.1.23. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристь, 2002. – 456 с.

3.1.24. Қоралиев Т.М. ва бош. «Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш» Т.: ТМИ, 2008. -117 б.

4. Журнал ва газеталардаги мақолаларга ҳаволалар

4.1. Абдусаломова О. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №2. – Б. 24-25.

4.2. Афанасьева О. Проблемы банковского кредитования реального сектора экономики // Банковское дело. – Москва, 2004. – №4. – С. 34-37.

4.3. Глинкин В. О реструктуризации проблемных кредитных организаций // Деньги и кредит. – Москва, 2000. – №8. – С. 21-22.

4.4. Зокиров Э. Банк кредит портфели мониторинги // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2001. – №10. – Б. 7-8.

4.5. Костерина Т., Пессель М. Проблема объективного и субъективного в современных кредитных отношениях // Банковское дело. – Москва, 2001. – №2. – С. 25-32.

4.6. Муллажонов Ф. Банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш – устувор вазифамиз // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. – №8. – Б. 3-10.

4.7. Мухитдинова М. Оценка кредитоспособности заёмщика как метод снижения кредитного риска // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №9-10. – Б. 17-20.

4.8. Ўзбекистон Республикасида пул - кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари./ Банк ахборотномаси. // Банк ахборотномаси. – Тошкент, 2011 йил. № 5– Б. 1-2.

4.9. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари «Бозор, Пул ва Кредит» журнали 2010 йил 1-сон, 7 б.

4.10. Пшеничников В.В. Проблемные кредиты и работа с ними // Экономическое обозрение. – Ташкент, 1999. – №12. – 24-29 стр.

4.11. Хасанов Ж. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қайтарилишини таъминлаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2003. – №9. – Б. 8-11.

4.12. Ирисов Б., Юнусов Р. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш истикболлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №9. – Б.23-26.

4.13. Назарова Ф., Хусинов И. Қишлоқ меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №6. – Б.53-55.

4.14. Салоҳиддинов Х., Эргашев З. Финансирование сельского хозяйства: достижения и перспективы // Бозор, пул ва кредит. – Ташкент, 2007, №1. – С.30-33.

4.15. Тошматов Р., Исломова С. Фермерчиликни ривожлантириш йўлида // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №6. – Б.51-52.

4.16. Файзиева Ш. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №11. – Б.67-69.

4.17. Файзиева Ш., Очилова Н. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашда кредитларнинг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №7. – Б.57-58.

4.18. Эргашев Р., Жумаева Г. Қишлоқ хўжалиги ислохотлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007, №11. – Б.70-71.

4.19. Сплетухов Ю.А. Проблемы проведения страхования урожая с государственной поддержкой // Финансы.-М., 2007, №6.-с.44-47.

4.20. Кабилджанов О. Кредитный риск: методы определения // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. – №5. – Б. 9-11.

5. Статистика ва ҳисобот материаллари

5.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005-2011 йиллардаги.

5.2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг 2005-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005-2011 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

6. Интернет сайтлари:

- www.bankir.ru
- www.cbu.uz
- www.nbu.com
- www.bis.org
- www.imf.org
- www.euro.com
- www.gov.uz
- www.uba.uz